**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**
**ФАРМОЙИШИ**

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**
**БИЙЛИГИ**

Нукус шаҳри — Нөкис қаласы

№ 57-б — «13» март 2018 й.

Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, халқимиз орасида миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-мурувват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли турар жойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, республикамизнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 мартдаги 187-ф-сонли фармойиши ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойиши билан:

а) Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари, жамоатчилик вакилларининг 2018 йил март-апрель ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 18-19 март кунлари умумхалқ ҳайрия ҳашарини ўтказиш (кейинги ўринларда ҳашар деб аталади) тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги;

б) 2018 йил март-апрель ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 18-19-март кунлари умумхалқ ҳайрия ҳашарини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

в) Ишчи гуруҳ (А.Раматов), Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда ҳашарни ўтказиш доирасида қуйидаги тадбирларни:

маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонларни, ариқлар, кўчалар ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш;

барча турар жой мавзелари ва маҳаллаларда гул кўчатлари, мевали ва манзарали дарахтлар экиш, бўш ҳудудларда боғлар барпо этиш, дарахтларни оқлаш ва буташ;

ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашиш;

жойларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндилар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилишини таъминлаш;

ҳашар қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлашни амалга ошириш назарда тутилганлиги;

г) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳамда жойлардаги давлат ўрмон хўжаликлари маҳаллалар ҳудудларини кўкаламзорлаштириш, янги боғлар барпо этиш учун зарур бўладиган манзарали ва мевали дарахт кўчатлари тегишли ташкилотларга белгиланган тартибда ўз вақтида етказиб берилишини таъминлаш топширилганлиги;

д) Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва маҳаллий ҳокимият органларига ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда ҳашарни ўтказиш тадбирларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар ва бошқа ташкилотларни, шунингдек, республиканинг барча аҳолисини, айниқса, ёшларни кенг жалб қилиш чораларини кўриш тавсия этилганлиги;

е) Ҳашар муносабати билан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлари Ўзбекистон “Маҳалла” ҳайрия жамоат фондининг республика бошқаруви ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Ташкент шаҳри бўлималари, туман ва шаҳар бўлинмаларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказилиши белгилаб қўйилганлиги;

ж) Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди умумхалқ ҳайрия ҳашаридан тушган маблағлар «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга оширишда, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, ногиронлиги бўлган шахсларга, ёлғиз қарияларга, пенсионерларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, уй хўжалиги ишларига кўмаклашишда ҳамда Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика ва ҳудудий кенгашларни қўллаб-қувватлаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техника базасини яхшилаш каби тадбирларга сарфланиши назарда тутилганлиги;

з) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги давомида, айниқса ҳашар кунлари жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш

чораларини кўрсин ҳамда ҳашар тадбирларида техник жиҳатдан соз бўлган техника воситаларидан фойдаланишини назоратга олиши топширилганлиги;

л) Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигининг боришини ҳамда ҳашарнинг ўтказилишини кенг ёритиш тавсия этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. 2018 йил март-апрель ойларида Республикамизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ҳамда 18-19 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш бўйича Ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ишчи гуруҳ (А.Тажетдинов, М.Жуманов), «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Нукус шаҳри ва туман ҳокимликлари ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш доирасида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутсинлар;

- Нукус шаҳри ва туманлардаги кўп қаватли уйлар ва бинолар, ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар, ариқлар, кўча ва йўлакларни ҳамда болалар майдончаларини тартибга келтириш, дарахтларни оқлаш ва шакл берилишини;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашишини;

- жойларда ободонлаштириш ишлари ўтказилиши жараёнида тўпланган чиқиндиларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мутасадди идоралар томонидан алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқилишини таъминлашини;

- умумхалқ хайрия ҳашари қатнашчиларини зарур техника воситалари ва анжомлар билан таъминлаш.

5. Умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлари «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ҳамда шаҳар ва туман бўлинмаларининг банкдаги ҳисоб рақамларига ихтиёрий равишда ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ободонлаштириш ва тозалик ойлигини ўтказиш давомида, айниқса умумхалқ хайрия ҳашари кунлари жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда техник жиҳатдан соз бўлган техника воситаларидан фойдаланишни назоратга олсин.

7. Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси, Ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ободонлаштириш ва тозалик ойлигининг боришини ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарининг ўтказилишини кенг ёритиши тавсия этилсин.

8. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари А.Тажетдинов ҳамда М.Жуманов зиммасига юклатилсин.

**Қорақалпоғистон Республикаси**
**Вазирлар Кенгашининг Раиси** **Қ.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM

Вазирлар Кенгашининг
2018 йил 13 мартдаги 57 ф-сон
фармойишига илова

**2018 йил март-апрель ойларида мамлакатмизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда 18-19 март кунлари умумхалқ ҳайрий ҳашарини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ**
**ТАРКИБИ**

| | |
|---|---|
| А.Тажетдинов | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбари* |
| М.Жуманов | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, *Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари* |
| Т.Романов | Ўзбекистон «Маҳалла» ҳайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Раиси, *Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари* |
| Д.Ходжиев | Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири |
| А.Аяпов | Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълим вазири |
| П.Сейтмуратов | Қорақалпоғистон Республикаси Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси б.в.в. |
| Р.Сеитов | Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой-коммунал хизмат кўрсатиш вазири |
| А.Убайдуллаев | Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирининг ўринбосари |
| Ш.Аюпов | Қорақалпоғистон Республикаси Ишки ишлар вазири ўринбосари |
| Ш.Уснатдинов | Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-кувватлаш «Нуроний» жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошлиғи |
| И.Абдухаликов | Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Раисининг ўринбосари |
| М.Данияров | Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшмалари Кенгаши Раисининг ўринбосари |
| Лавозими бўйича | Шаҳар ва туман ҳокимларининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари |
| А.Қалбаев | Вазирлар Кенгашининг масъул ходими, *Ишчи гуруҳ масъул котиби* |

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM